

АДОЛАТ

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ИЖТИМОЙ-СИЁСII ВА ҲУҚУҚII ГАЗЕТАСИ

САЙЛОВЛАРНИ БАҲОЛАШ

бунда халқаро стандартлардан қандай фойдаланмоқ керак?

Сўнгги бир неча йилларда сайловлар ва референдумларни кузатиш демократик жараёнлар ва умумжаҳон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлашда муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди. Сайловларни кузатишнинг кучайтириш бевосита умумжаҳон демократлаштириш жараёни билан боғлиқдир.

Қабул қилинган қонунчилик асосида ошқора ва қўли-ойдин (транспарант) сайловларни ўтказиш демократик жамиятнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Сиёсий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқи нафақат ўтказилган сайловлар учун аҳамиятли, балки инсоннинг бошқа асосий ҳуқуқлари — ўз фикрини эркин ифодалаш, эркин қўлиш, тинч йиғинлар ўтказиш ва бирлашиш ҳуқуқларига содиқлиги ўз ичига олади.

Сайловларни кузатиш шунчаки техник иш эмас. У инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишга бевосита қўмақлашади. Сайловлар инсоннинг фундаментал ҳуқуқлари тантанаси ҳисобланади. Сайловларда кузатувчиларнинг очик иштирок этиши сайловлар билан боғлиқ инсон ҳуқуқлари бўлишининг олдини олиш мумкин, чунки сайлов жараёнининг ҳаққонийлиги айти шу даврда баҳоланади.

ЕХТ минтақаси кузатувчилик миссияси амалиёти тез ривожланганлиги туйғайли сайлов жараёнини кузатиш соҳасида ДИИХБнинг мукамалроқ методологиясини ишлаб чиқиш зарурлиги вуқудга келди. Сайловларни кузатиш бўйича ДИИХБ қўлланмаси ушбу масалага қаратилган. Унда сайловларни кузатиш бўйича ДИИХБнинг асосий услублари кўрсатилади ва миссияларга кузатишни ўтказиш бўйича амалий қўлланма берилади.

Сайловнинг халқаро стандартларга мос келиши даражаси маҳаллий ҳамда халқаро кузатувчилар учун сайловни баҳолашда асос бўлиб хизмат қилади. Халқаро стандартлар умумий бўлиб, давлатларга амал қилиниши керак бўлган кенг таъмоилларни белгилаб беради. Маҳаллий кузатувчиларга умумий стандартларга асосланиб баҳолашни керак бўлган қўллаб-ўзига ҳос масалалар учиради. Одатда халқаро стандартлар анча аниқ бўлиб, маҳаллий кузатувчилар уларга амал қилинаётганини баҳолашда катта қийинчилик сезмайди.

Куйида маҳаллий кузатув гуруҳи барча ЕХТ мамлакатлари томонидан қабул қилинган баъзи асосий халқаро стандартлар нуктаи назаридан кўриб чиқиш зарур бўлган айрим ўзига ҳос масалаларни келтириб ўтамиз: Булар даврий сайловлар, ҳаққоний сайловлар, эркин сайловлар, адолатли сайловлар, барча учун тенг овоз бериш ҳуқуқи ва яширин овоз бериш. Хар қандай давлатнинг ҳуқуқмати авваломбард ана шу мажбуриятларга амал қилинишини таъминлашга интилиши зарур.

Даврий сайлов деганда, қонун томонидан белгиланган маълум вақт оралиғида сайлов ўтказиб турилиши тушунилади. Сайловлар ўтрасидиги вақт оралиғи асосида ўзқ бўлмаслиги керак. Ҳуқумат раҳбарлари учун етти йил, парламентнинг қўйи палаталари раҳбарлари учун беш йил махсус муддат ҳисобланади. Ҳуқумат ижроия органларининг раҳбарлари умрбод сайланмаслиги керак.

Ҳаққоний сайлов овоз берувчилар учун ҳақиқий танлаш имконияти ва халқ ҳуқуқини назарда тутди.

Агарда муҳолифат томонидан мос номзод кўрсатилмаса, сиёсий партиялар тузиш ёки номзод кўрсатишга ноўрин чекловлар қўйилса ёки сайловчилар овоз бериш орқали номзодни лавозимдан четлатиш имкониятига эга бўлмасалар, бундай сайловнинг ҳаққонийлиги мунозаралидир.

Эркин сайловнинг маъноси шуки, сайлов мобайнида ундан аввал ва сўнг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига риоя қилиниши керак. Барча фуқаролар, партиялар ва номзодлар ирода эркинлиги, бирлашиш ва уюшмалар тузиш, ҳаракат эркинлигидан фойдалана олишлари керак. Сайлов жараёни кўриштириш, куч қўллаш,

маъмурий амаллар ва жазоланиш хавфидан холи бўлиши лозим. Оммавий ахборот воситалари сайловни эркин ёритиш, фуқаролик жамиятлари сайлов билан боғлиқ фаолиятини эркин равишда олиб бориш имкониятига эга бўлишлари зарур. Масалан, маҳаллий кузатувчилар овоз бериш ва синаш жараёнларини эркин кузатиш имкониятига эга бўлишлари, сайлов участкасидан бошлаб маҳаллий сайлов комиссиясигача бўлган барча босқичларда сайлов натижаларини чиқариш жараёнини очик кузатиш имконияти мавжуд бўлиши керак.

Адолатли сайлов барча номзодлар учун тенг имкониятлар тақдим этиш, қонун ва ҳуқумат томонидан барчага тенг қаралишини таъминлаш керак. Қонунлар камситишдан холи бўлиши ва тўла тадбиқ қилиниши даркор. Сайловда иштирок этиш истагиди бўлган барча номзодлар шундай имкониятга эга бўлишлари лозим. Давлат манбаларидан фойдаланишда амал адолатли бўлиш муҳим. Давлат ахборот воситалари ва сайлов бошқаруви органлари холис бўлиши керак. Овоз бериш ва синаш, натижаларни чиқариш жараёнлари уйдирма ва ёлғондан холи бўлиши шарт. Етарли овоз олган номзодлар албатта лавозимини эгаллашлари керак. Номзодлар ва сайловчилар кейинчалик шикоят қилиш имконияти эга бўлишлари, қонун бўзилишлари учун масъул шахслар керак бўлса жавобгарликка тортилишлари лозим.

Барча учун тенг овоз бериш ҳуқуқи белгиланган ёшга етган барча фуқароларнинг ҳеч қандай чекловсиз сайловда қатнашиш ҳуқуқини назарда тутди. Барча сайловчилар, шу жумладан, ногиронлар ва вақтинча доимий манзилда яшамаётганлар сайлов участкаларида ёки бошқа тегишли жараёнлар орқали овоз бериш имкониятига эга бўлишлари керак. Миллий озчиликларга мансуб шахслар, аёллар ёки бошқа сайловчилар гуруҳларига нисбатан ҳеч қандай чеклов қўлланилмаслиги керак. Тенг овоз бериш ҳуқуқи деганда яна барча овозларнинг тенг кучга эгаллиги тушунилади. Пропорционал вакилликда ҳар бир сайлов округининг сайлов иштирокчилари сони унинг аҳолиси сонига пропорционал бўлиши учун белгиланган минимал иштирокчилар сони қўллаб сайловчиларнинг овозлари бекор қилиб юборилган даражадан юқори бўлмаслиги керак. Кўпчилик сайлов тизимларида сайлов округларидаги аҳоли сони ёки сайловчилар сони тахминан бир хил бўлади. 10 фойздан ортиқ фарқ муаммо келтириши мумкин.

Яширин овоз бериш деганда, сайловчи сайлов бюллетенини ёлғиз, сайлов хонаси ичида бюллетен кутига ташлашдан аввал у бошқа шахс томонидан қўрилиши эҳтимоли ва кейинчалик уни ким тўлдирганини аниқлаш имконияти бўлмаган шартда тўлдирлиши тушунилади. Хар қандай шаклда гуруҳ бўлиб овоз бериши, ишончсиз буйча овоз бериши, ёки сайлов пунктидан ташқарида овоз беришлари овоз ярилинлиги хавф остига солади.

Маҳаллий кузатув гуруҳлари сайловларнинг халқаро стандартларга мос келишини кузатиш билан бир қаторда мамлакатнинг Конституция ва қонунчилигига мос равишда ўтказилишини ҳам кузатиши лозим. Конституция барча мамлакат қонунларидан устун тургани учун сайловнинг қонунчилиги, авваломбард, унинг конституцияга мос келиши нуктаи-назардан текширилади. Шундай қилиб сайлов билан боғлиқ маъмурий кўрсатма ва ҳужжатлар тегишли қонунчиликдан келиб чиқиб тузилади.

Қисқача айтганда, мамлакатнинг қонунлари ва конституциясининг халқаро шартнома ва мажбуриятларига тўғри келиши ва маҳаллий кузатув гуруҳлари сайловларни халқаро ҳамда маҳаллий қонунлар ва мажбуриятларига асосланган тизим бўйича кузатишлари керак.

Усмон ЖУРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси
аъзоси

ПОЛЬША КЎРГАЗМАСИ

Тошкентдаги "Ўзэкспомарказ"да Польшанинг "Бу — Польша" миллий кўргазмаси ўтказилмоқда.

Ўзбекистон бош вазирининг ўринбосари, Ташкилотикидий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ғаниев Тошкентда Польша республикасининг биринчи миллий савдо-санъат кўргазмаси очилишида сўзга чиқиб, ушбу кўргазма "Ўзбекистон-Польша савдо-иқтисодий муносабатларида эркин ҳодиса, деб атади."

Ўзбекистон Президентини Ислам Каримовнинг ўтган йил июль ойидаги Польшага ташрифи чоғида эришилган келишувларнинг самараси ўларок, ушбу кўргазма иқтисодийнинг устувор йўналишларида ҳамкорликнинг манфаатдорлигини кўрсатади, — деди Э.Ғаниев.

Бугунги кунда Польша Ўзбекистоннинг Шарқий Ев-

ропадаги энг муҳим иқтисодий шерикларидан бири ҳисобланади. Айтиш керакки, икки мамлакат иқтисодийти бир-бирини тўлдирди. Хусусан, Ўзбекистон бой хом ашё захиралирига эга бўлиши билан бирга макроиқтисодий барқарорликка, иқтисодий инвестиция климга, бир текис иқтисодий ўсишга, қулай геосиёсий шартитга эга. Булар ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликка мустаҳкам негиз яратди.

Биз Польша хусусий сармоясининг Ўзбекистоннинг машинасозлик, электротехника, қурилиш, кимё, озиқ-овқат ва ёнгил саноат, саноатли соҳаларидаги иштирокини қутлаймиз, — деди бош вазир ўринбосари. — Шунингдек, Польша билан кичик ва хусусий тадбиркорлик, минни технологиялари етказиб бериш соҳаларида ҳам ҳамкорлик

қилишдан мамнунмиз. Қозловска, Польша иштирокида полиз ва сабазавотларни қайта ишлаш, қурилиш жихозлари, халқ истеъмол моллари, кийим-кечак, пойабзал, саноат ускуналарини ишлаб чиқаридиган кичик ва хусусий қўша корхоналари барпо этишга ҳар томонлама қўмақлашишга тайёромиз.

Ўзбекистон қайта ишлаш ва озиқ-овқат тикувчилик соҳаларида кичик ва ўрта корхоналарда фойдаланиш учун технологиялар алмашув соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйишни истади. Яна бир муҳим йўналиш — машинасозлик, ускунасозлик, кимё, тўқимачилик ва бошқа соҳаларда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун маҳаллийлаштириш дастури доирасидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобланади.

Э.Ғаниевнинг таъкидлашича, ўз навбатида Польша пойтахти Варшавада Ўзбекистоннинг саноатини намойиш этувчи кўргазма очилиш режалаштирилмоқда.



Пахтачилик Норхол Курбонова халол меҳнатлари билан олти нафар ўғлини оқ ювиб-оқ тараб вояга етказди. Ҳозир улар оналари билан пахтакорликнинг завқу шавқини тотиб келишмоқда.

Моҳир пахтакор Норхол Курбонванинг ўз фарзандлари билан "Сарбозор" фермер хўжалигини ташкил этганига анча вақт бўлди.

У бу йил ҳам мавжуд 35 гектар майдонининг ҳар гектаридан 26 центнер ўрнига 50 центнердан "оқ олтин" етиштириб биринчи теримдаёқ вилоятда биринчилардан бўлиб режасини ортиги билан урдалади.

Суратда: уста пахтакор Норхол Курбонова. Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

Сайлов тараддуди

СИЁСII КЕНГАШДА КЎРГАЗМАЛИ СЕМИНАР

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашида бўлиб ўтган навбатдаги кўргазма семинар бўлажак сайловларга бағишланди. Уни бошқарган "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби, академик Турғунпўлат Даминов партиянинг 28 нафар ишчи гуруҳи олдида сайловга оид муҳим вазифаларни қўйди.

Нотик таъкидлаганидек, бу алғи сайловлар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу муҳим жараён Республикада фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Сабаби сайловларда галаба қозongan партия ҳуқумат тузиш ишига катта таъсир ўтказиши мумкин. Бундан ташқари бўлажак сайловлар ижтимоий-иқтисодий ислохотлар чўқурлашган "ўрта табақа" вакилларининг шаклланиши жўшқин паллага кирган, партиялараро рақобат кучайган даврга тўғри келаётди. Шунингдек, жорий йилда ўтадиган сайловларда Қонунчилик палатасига сайланадиган номзодлар ниятдаги қобилиятли, билимдон, айнақса иқтисодий, сиёсат, ҳуқуқий масалаларни пухта билидиган, обрўли, эътиборли, эл-юрт ҳурматиға сазовор бўлганлардан иборат бўлиши лозим.

Шу сабабли ҳам ҳар бир партия, жумладан Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг жойлардаги, хусусан вилоят, шаҳар, туман ташкилотлари парламент ва маҳаллий Кенгашларга номзодларни кўрсатишга жуда катта масъулият билан ёндошмоқлари талаб этилади. Чунки одамлар биз кўрсатган номзодларга қараб партиямиз ишига баҳо берадилар.

— Демак, биз халқни ўз

ортидан эргаштира оладиган одамларни танлаб, мақсад ва вазифаларимизга сайловчиларни ишонтира олаккина ўз олдимизга қўйган муддаомизга эришишимиз мумкин, — деди семинарни бошқарган партия Сиёсий Кенгаши биринчи котиби Турғунпўлат Даминов. — Ана шу йўлда халқ олдимизда қисқа вақтда халқ қилиниши лозим бўлган муҳим, долзарб вазифалар турибди. Ўйлайманки, мана шу ерда ҳозир бўлган партия фаолларининг барчаси ушбу вазифаларнинг амалий ижросини таъминлашга қодир кишилардир.

Бунинг учун улар Республика Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўладиган сайловларни ушқоқлик билан ўтказиш учун барча чораларни қўйишлари, аҳоли орасида кенг тушуштириш ишларини йўлга қўйишлари лозим.

Шу билан бир қаторда партиянинг мақсад ва вазифаларини кенг аҳоли қатламлари онига чуқур сингдириб, сайловларда ғолиб чиқадиган бўлсак, ютук биз томонда бўлиши шубҳасиз. Бунинг учун фаолларимиз халққа нима бера олишимизни аниқ, содда, лўнда қилиб тушуштириб бера олишлари даркор. Ана шунда халқ бизга эргашади, бизни қўллаб қувватлайди.

Шунингдек, кўргазмали семинарда оммавий ахборот воситалари орқали халқ эътиборини қозониш, сайловларга оид тадбирларни кенг йўлга қўйиш, ҳар бир партия фаоли ўзининг бўлажак сайловларда партиянинг муваффақият қозониши учун масъул эканлиги ва бу йўлда тинмай ҳаракатда бўлиши муҳимли-

ги айтиб ўтилди.

Семинарда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг янги таҳрирдаги сайловолди Дастури партиянинг шу ойнинг охириги ўн кунлигида бўлиб ўтадиган III Курултойига қадар қўриб чиқилиб, мулоҳазалар билдирилиши, ҳар томонлама чуқур ва атрофли муҳокама этилиши тушунтирилди. Партия аъзолари ва фаоллари томонидан партиянинг сайловолди Дастурига билдирилган барча фикр мулоҳазалар, ўзгартиришлар ва қўшимчалар инobatта олиниши уқтирилди. Ўз навбатида партиянинг сайлов кампаниясидаги фаоллигини ошириш учун барча чораларни қўриш, жойларда партия ташкилотлари фаолиятини бундан ҳам кучайтириш зарур. Ўтаётган ҳар бир кун амалий ишларга тўла бўлиши, сайловдаги муваффақиятларни таъминлашга хизмат қилиши зарур. Шундай экан, сайлов кампаниясининг тарғибот-ташвиқот ишларини қўйиштириш айнақса катта самара беради. Партия ташкилотларининг етакчилари, фаоллари, партия аъзолари кўпроқ сайлов кампаниясида даврида қилаётган ишлари, олдинда турган вазифалар хусусида оммавий ахборот воситаларида ўз чиқишларини қўйиштиришлари керак.

Семинар Кенгашда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоят партия Кенгашларининг биринчи котиблари, масъул ходимлари, партия фаоллари иштирок этдилар. Уларга сайловни ушқоқлик билан ўтказиш юзасидан қилинадиган ишлар батафсил тушуштирилиб, йўл-йўриқлар кўрсатилди.

Феруза РИХСИЕВА,
Ўзбекистон Жаҳон
тиллари университети
талабаси

ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСII КЕНГАШИ XIV ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби, академик Турғунпўлат Даминовнинг "Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг сайловларга тайёргарлик қўришидаги навбатдаги вазифалари тўғрисида"даги маърузасини эшитиб ҳамда маъруза муҳокамасида сўзга чиққан партиядошларнинг фикрларини инobatта олиб Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг XIV Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг III Курултойи 2004 йил октябрь ойининг учинчи ўн кунлигида ўтказилсин.

2. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг III Курултойи кун тартибига қўйидаги масалалар киритилсин:

1. "Адолат"СДП Сиёсий Кенгашининг ҳисоботи.

2. "Адолат" СДП Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.

3. "Адолат" СДП сайловолди Дастурини тасдиқлаш.

4.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни тасдиқлаш.

5. "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг янги таркибини сайлаш.

6. "Адолат" СДП Тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш.

3. Курултойнинг самарали ўтишини таъминлаш мақсадида партия фаолларидан иборат қўйидаги ишчи гуруҳлари тузилсин:

1. Курултой ташкилий ишлари бўйича (раиси А.Ғуломмахмудов);

2. Курултой ҳужжатлари таҳририй ишлари бўйича (раиси Д. Тошмухамедова);

3. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар билан ишлаш бўйича (раиси Р.Ҳайдаров).

4.Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоят партия Кенгашлари жойлардан сайланган делегатларнинг ўз вақтида Курултойга етиб келишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб берсинлар.

ИССИҚХОНАЛАРГА ФРАНЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида "Ўзбекистон шароитида иссиқхоналар учун Франция технологиялари" мавзuida анжуман ўтказилди. Унда мамлакатимиздаги деҳқон-фермерлар ҳамда иссиқхоналар мутахассислари иштирок этишди.

Анжуманда таъкидланишича, Ўзбекистон иқлими қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун жуда қулай ва бу соҳага Франция технологияларини жорий этиш ҳосилдорлигининг янада ошишига олиб келиши мумкин. Юртимизда меҳмон бўлиб турган Париж савдо-саноат палатасига аъзо турли фирма ва компаниялар вакиллари ушбу анжуманда иссиқхона ишларида зарур бўладиган жиҳозлар ва асбоб-ускуналар хусусида батафсил маълумот беришди.

Мутахассисларнинг эътирофи этишларича, Франция технологиялари бошқарув жиҳатдан ниятда қулай, шунингдек, қўчатлар учун керак бўлган хавони мунтазам равишда таъминлаб туриш билан бирга сув, маъданли ўғитлар исрофгарчилигига чек қўйишга қўмақ беради.

Анжуман давомида фермерлар ўларани қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

"Туркистон-пресс"

"Обуна — 2005"

"АДОЛАТ"

ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛСИН!

"Адолат" газетаси йил сайин одамлар қалбидан чуқур ғой олмақда. Газета саҳифаларида турмушимизнинг ҳамма соҳалари изчил ёритиб борилаётган. Бу юртимизда адолат таъминлашнинг қарор топтиришга хизмат қилмоқда.

Газета келаси йили ҳам кўпчилик муштарийларнинг севимли нашрига айланади. Унда Сиз азиз газетхонлар ўзингизни қизиқтирган кўплаб масалаларга жавоб олиб, ранг-баранг мавзулардаги бир-биридан қизиқарли мақолалар, очерк ва фелъетонлар, памфлетлар билан танишасиз. Севимли газетангиз порахўрликка, таъмагирликка, мансабпарастларга, ўз вазифасини суиистеъмол қилувчиларга, таъна-билишчиликка ва эл ризқига чанг солган, кибру ҳавою, айш-ишратга берилганларга қарши адолат шамшири билан дадил курашаверади.

Азиз муштарийлар!

"Адолат" газетасига обуна давом этмоқда.

Келгуси йилда ҳам уни қўлдан қўймай ўқий десангиз — "Адолат"га обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 100.


"Адолат" ҳаммаша Сизга ҳамроҳ бўлсин!

"Бунёдкор" ёшлар телеклубида Тошкент шаҳридаги махсус касб-хўна колледжлари ва академик лицейлари "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг янги сайланган етакчилари учун семинар ўтказилди. Унда пойтахтдаги 120 та ўрта махсус ўқув юртиларидаги "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими бошланғич ташкилоти етакчилари иштирок этишди.

ВАЗИФАЛАР
БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Семинарда янги сайланган етакчилар ўзларининг фикр-мулоҳазалари ҳамда тақлифларини билдиришмоқдаки, бу тақлифлар келгусида ўзлари учун иш қўлланмаси вазифасини баҳарлади. Шунингдек, етакчилар махсус ўқув курслари орқали ўрта махсус ўқув юртиларидаги "Камолот" етакчилари кенгаши тизими хусусида фикр алмашишди. Семинар сўнгида янги сайланган етакчиларга "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлимининг гуваҳчолари топирилди.

Иномжон УЛУҒБОВ



Суҳбатдош: моҳира ШАКАРОВА,
"Адолат" мұхбири



МЕХР-МУРУВВАТЛИ ҲОКИМ

Аслида ишонгингиз келмайди. Аммо бу бор гап. Ҳозир кўпчилик шовотликлар орасида ўзларининг туман ҳокимиятига нисбатан чексиз меҳр-муҳаббат уйғонган. Бу ердаги мутасадди раҳбарлар кўл урган ажойиб ангиллик бутун вилоят аҳлини ҳаяжонга солди.

Шовотликларга раҳмат! Фарзандларининг камоли учун астойдил қайғуришар экан, — дейишди улар.

Аслида эса мамлакатимиз олий ўқув юртлигига, талабаларга қабул қилинган ёшлар кўпчиликини ташкил этди. Аммо уларнинг орасида моддий ёрдамга муҳтож, шартнома (контракт) тўловларини тўлашга қурби етмайдиганлари ҳам йўқ эмас эди. Ҳоким масалаларини ечимини адолатли ҳал қилди. Эллик нафарга яқин талабанинг бир йиллик контракт пулини ўтказиб берди. Албатта дуч келган талабага эмас. Қўйилган алоҳида талаблар ҳақиқатдан ҳам таъминланган, моддий ёрдамга муҳтож оилаларнинг фарзандларини қўллаб-қувватлашга имкон яратди. Шу ўринда кўпчилик — ҳокимлик бутун маблагни қаердан олибди, ахир бюджетнинг пули ҳисоб-китобида, — дея таъжубланиши мумкин. Энг муҳими ҳам шунда-да! Ҳокимдан тортиб, унинг ўринбосарлари аппарат ходимларига, тумандаги барча ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарларига ишчи-хизматчиларга, қўйингиз, минглаб шовотликлар ўз жамғармаларидаги маблагининг бир қисmini мана шу меҳр-муруват тадбирига бағишладилар. Уларнинг ҳимматию меҳр-муруватлари боис йилгиланг маблаг алоҳида

ташкил этилган жамғарма орқали эллик нафарга яқин шовотлик талабанинг ўқиши учун ўтказиб берилди. Улар бу йил контракт тўловининг ташвишини чекишмайдилар. Яхши ўқиб, олаётган билимларини мустақамлаш чораларини кўрадилар. Келгуси йилда эса ота-оналарининг ўзлари фарзандларининг бу муаммосини ҳал этиш учун ҳозирданок зарур чораларни кўриб қўядилар. Хуллас, шовотлик ёшларнинг эртанги кунимизнинг истиқболли ёшлари бўлиб етишадиларга ҳозирданок мустақам замин ҳозирланмоқда.

ЖУРНАЛИСТДАН ЧИҚҚАН РАИС

Ҳайитбой Ҳўжаевни Шовотда билмайдиганлар кам. Журналистик фаолияти билан элда танилган бу олижаноб инсон ҳаётининг аччиқ-чучигини тотган, синовларга дош берган. Истиқлол яратган қўлай имкониятларга боис унинг эл-юрт хизмати йўлидаги саъй-ҳаракатлари янада кучайди. Қарасанки, қалам ўзиники, истеъдодини ундан ҳеч ким тортиб ололмайдилар. Шундай экан яна нимадир қилиш керак. Топилган ечим айтиб қўйилган иш бўлди. Фир-

ма очиб, гилам тўқишни йўлга қўйди. Шу мақсадда ташкил этилган ишлаб чиқариш цехи орқали янги омилларни ҳаракатга келтириб юборди. Юзлаб шовотликлар иш билан таъминланиб, ўз имкониятларини юзга чиқара бошладилар. Ишни сифатига бўлган қанолат фирманинг доғригини оширди. Буюртмалар қўлаи йилдан йилга эмас, балки ойдан-ойга кўпайди. Қўшимча хизматлар йўлга қўйилди. Ҳатто тумандаги барча мактабларнинг ўқувчилари учун бир хил форма шу фирма орқали етказиб берилган пайтлар ҳам бўлди.

Қарангки, шундай ишларга бош-қош Ҳайитбой Ҳўжаевни ўтган йилнинг бошларида туман ҳокимлиги холи-жонига қўймай Отажон Хидиров номи ширкат ҳўжалигини бошқаришга ўтказди. Яна қанақа жойга денг. Иқтисодий танг аҳволга тушиб қолган, муаммоларга ечим топаолмаётган, қарзга ботган ҳўжаликка. Бой ҳаётий тахрибга эга бўлган, фирмандан ташқари Ҳўжаевни «Адолат» СДП Шовот туман Кенгашининг бошқариб келатган Ҳайитбой Ҳўжаев ҳўжаликни тиклашга енг шимариб киришди. Ўтган йилнинг ўзид

пахта топшириш режасини етмиш беш фоизга етказиб, туман ҳўжаликлари орасида энг юқори кўрсаткичга эришди. Бу йил эса журналистдан чиккан раис галла, пилла топшириш режаларини қўйиллатиб бажариб, 839 гектар майдондан 2300 тонна «оқ олтин» етиштиришдек улкан мақсадларини қўзляпти. Шунга монанд ширкат ҳўжалигида пахта йигим-терими ушўқоқлик билан олиб борилмақда.

Меҳнатнинг таги роҳат, деб бежиз айтилмаган. Ҳайитбой Ҳўжаевнинг тинимсиз изланишлари боис ширкат ҳўжалиги қўлоқидан кўтулиб, иқтисодий жиҳатдан бақувватлашиб бормоқда. Қўрилаётган фойда ҳўжалик ҳудудини ободонлаштиришга, қатор соҳаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда. Бунга миқсоллар кам эмас. Жумладан, ширкат ҳўжалиги ҳудудда Хитой қишлоғи бор. Унда 4700 нафар аҳоли, жами 2000 дан зиёд оила яшайди. Ширкат ҳўжалиги маъмурияти ҳисобидан бу қишлоқда яшовчи кам таъминланган оилаларга икки миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Тиббий соҳани юксалтиришга, бошқа йўналишдаги хайрия-саҳоват ишларига эса етти милли-

он сўмлик маблаг ўтказиб берилди. Меҳр-муруватни улўф фазилатга айлантирган танти раиснинг саҳовати бу. Зеро, сидқидилдан қилинган меҳнат шундай улўф мақсадларни юзга чиқаришга йўл очаверади.

МЕҲНАТНИНГ ТАГИ РОҲАТ

Бугун шовотликларнинг фахрланса арзигулик ишлари кўп. Узоққа бормайлик. Биргина «Шовот текс» Ўзбекистон-Олмония қўшма корхонаси нафақат туман аҳлининг, балки, бутун Хоразм вилоятининг фахру ифтихорига айланган, десак асло муболага бўлмайди. Ўзларини дунёга танитаётган шундай корхона борлигидан улар ҳаминча қувонишади. Чунки бир пайтлар Ўзбекистон сингари унинг бир бўлаги бўлган Шовот туманини ҳам яхши биладиган чет давлатнинг топилиши амри маҳол эди. Истиқлол шарофати тўғйили ҳозир бу туман дунёга чикди. Олмониядек ривожланган давлатнинг ишлаб чиқаришига хайрихоҳлик билдириб, мазкур қўшма корхона очди. Шу билан юзлаб маҳаллий аҳолининг орзу-умидлари рўёбга чик-

ди. Улар уйда бекор ўтириб, бирор ишининг ташвишини қилиш ўрнига замонавий тезникалар билан жиҳозланган цехларда унумли меҳнат билан машхўр бўлишди. Шу билан Шовотда Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини янада оширишга хизмат қиладиган янги қувватлар ҳаракатга келди. Янги корхона орқали туманда 3360 миң дон эркаклар қўлаги ва спорт формалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу аслида юксалишининг оидин йўлига чикиб, истиқболга юз тутган Шовот туманида иқтисодий ислохотларни ҳаётга изчил тадбиқ этиш борасида қўлаи наётган ишлардан бир шингил холос.

Мамлакатимизда кенг қўлаида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар юртимизни янада обод айлашга, халқимиз фаровонлигини оширишга йўналтирилаётганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Шу улўф мақ-

сад йўлидаги катта ишларнинг самарасини эндиликда юртимизнинг ҳар бир фуқароси кўриб, ҳис этиб турибди, — дейди туман ҳокимининг иқтисодий-ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Бахтиёр Ражабов.

Зеро бу бор гап. Тумандаги оппоқ пахталар билан ястаниб ётган кенг далалар, равон йўллар, энг муҳими одамларининг чеҳрасидаги кўтарин-ки кайфият бунинг ёрқин далилидир. Чунки, «меҳнатнинг таги роҳат», деган ажойиб нақлнинг шарофатини шовотликлар яхши ҳис этишади. Уларнинг туманни ҳар томонлама юксалтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари бугун ўз натижасини бераётганлиги эса қувончли ҳолдир. Бу ҳар бир шовотликка чексиз фахру ифтихор бағишлайди.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ, «Адолат» мухбири

Суратларда: ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси Ҳайитбой Ҳўжаев туман ҳокимининг ўринбосари Бахтиёр Ражабов билан пахта даласида; шу ҳўжаликдаги 11-биригаданинг илгор теримчилари, қайнона-келин Шукржон Салаева ва Насиба Отажонова; бугунги Шовот манзараларидан лавҳалар.

Каримжон РИХСИЕВ олган суратлар



Банклар фаолиятдан

Тижорат банкларининг қўлайиши, банк хизматлари соҳасининг ривожланиши ва тақомиллашуви мижознинг энг маъқул банкни танлаб олиши учун уларни тақослаш ва баҳолашга мажбур қилмоқда. Қашқадарёда қўллаб мижозлар ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг вилоят бўлими, хусусан янги Нишон ҳамда Муборак филиаллари фаолияти ҳақида илқ фикр билдиришмоқда. Бунинг боиси, банк ўз даромадларининг салмоқли қисmini иқтисодиётнинг устувор йўналишлари, жумладан қишлоқ ҳўжалиги ва саноатни ривожлантиришга йўналтираётганлиги эътиборга лойиқдир. Шунингдек, қишлоқ ва ўрта бизнесни ривожлантириш, энди фаолият бошлаётган тадбиркорлар ва ишбилармонларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилади.

— Менга ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг янги Нишон филиали маъқул, — дейди «Тоҳир» фермер ҳўжалиги раиси Зоҳид Худоев. — Негаки, йиллик фоиз миқдори кам. Бунинг устига филиал ҳодимлари жуда ҳушмуомал, барча ҳизматингизни қўйилганга қадар бажаришади. Мен ўтган йил бу ердан 4 миллион сўм кредит олган эдим. Қўрамоқ харид қилиб, ферманинг тўлдиридим. Ишим юришиб кетди. 33 гектар ерим бор. Филиал ҳодимларининг биз каби тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашаётгани боис маъийи хизмат шаҳобчасини ишга туширдим. Қарилар қойнаҳни, ошхона, савдо дўконига эга бўлдим. Филиалдан олти марта кре-

дит олиб вақтида қайтардим. Муқдор бўлдим. Бугунга келиб 30 нафар ишсиз фуқарони иш билан таъминладим. Филиалда ҳозирги кунда 23 нафар ходим 624 та мижозга хизмат кўрсатиляпти. Уларга ишлаш учун барча қўлайликлар яратилган. Филиал бошқарувчиси Нурбек Боймуродов, унинг муовини Гулмурод Кенжаев, мижозларга хизмат кўрсатиш сектори бош мутахассиси Се-

роб Ҳўраевлар банк мавқеини кўтарилган, ҳукумат қарорларини бекаму-қўст амалга оширишга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Банкнинг Муборак филиалида олиб борилаётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Бу ерда ҳар ҳафтада молиявий кун ўтказилади. Унда ҳўжаликлар, корхоналар ўртасидаги олди-берди қарзлар пухта ўрганилади. Зарур чоралар қўйилди. Бунинг эвазига биргина шу йилнинг ўтган ойлари давомида 6265125 миң сўм дебиторлик ва кредиторлик қарзлари қайтарилди.

Филиал ходимлари жорий йилда тадбиркорлар учун 135 миллион 320 миң сўм кредит ажратди. Бу пулларга тадбиркорлар қишлоқ ҳўжалик техникаси ва корхонани ривожлан-

тириш учун дастгоҳ-ускуналар сотиб олдилар. Жойларда саксонга яқин янги иш ўринлари яратилди. «Стройремонт» кичик корхонаси филиалдан олган кредит эвазига қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. «Геолог» кўп тармоқли савдо ва ишлаб чиқариш фирмаси эса олган кредит тўғйили туман аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга катта улўш қўшмоқда. «Миртемир» фермер ҳўжалиги олган қарзи эвазига 4 та

янги ишчи ўрни яратиб галла ва пахтадан юқори ҳосил кўтаришга муваффақ бўляпти.

Банки мижозга яқинлаштириш, хизматини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, бозор иқтисоди талабларидан берибди. Филиалда бу борада ҳам анча ишлар амалга оширилмоқда. Чунонки, филиал томонидан Муборакнефтога қонлари Унитар корхонасига банкамат ўрнатилган бўлиб 938 кишига пластик қарточкалар тарқатилган. Шунингдек, пластик қарточка эгалари ўзларига керакли нарсани харид қилишлари учун 5 та савдо дўконига терминал ўрнатилган.

— Филиалимизда бор-йўғи 21 киши хизмат қилади, — дейди мижозларга хизмат кўрсатиш сектори

ҳодими Абдумажит Кўчимов. — Мингдан ортиқ мижозимиз бор. Асосий мижозларимиз эса 305 тани ташкил этади. Бошқарувимиз ўроқ Арслонов ҳар биримизга мижоз банк учун эмас, балки банк мижоз учун хизмат қилиши лозимлигини қайта-қайта уқтирадилар. Натияжада мижозларимиз сони йил сайин ортиб, банкимиз оладиган даромад ҳам кўпаймоқда.

— Ҳозир замон ўзгараляпти, хизмат кўрсатиш соҳалари кўпаймоқда. Хусусан банкларнинг қўлайиши мижоз билан ўта эътиёткор бўлиб муомала қилишни талаб этмоқда. Бўлимимиз ва филиалларимизда бу масалага алоҳида эътибор қаратаямиз. Банкка бирор масалада мурожаат қилаётган фуқароларни ноумид қилмаслик учун зарур чораларни кўраямиз. Бу эса яхши самара бераляпти. Филиалларимизни қайси бирини олиб, ўтган йилги самаралар билан тақослаб кўринг, натижалар юқори эканлигига амин бўласиз. Биз бундан кейин ҳам мижозларимизга замон талаби даражасида хизмат қилаверамиз. Банкларимизда ҳисоб рақамини очмоқчи бўлганларга эса, бизда нақд пул масаласида ҳеч қандай муаммо йўқлигини эълотиб қўймоқчимиз, — дейди ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг Қашқадарё вилоят бўлими бошқарувчиси Зоҳиржон Қалонов.

Дарҳақиқат, бўлим ва филиал ходимларининг мижозларга ҳар томонлама намунали хизмат кўрсатаётгани боис воҳада банкнинг обрўси ва мавқеи ошиб бораляпти.

Комил САХАТОВ, «Адолат» мухбири

Соғлом авлод қафолати

нучи шахслар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул тиббий қўриқдан ўтадилар. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сонли «Никохланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш тўғйисид» қўриқ қарори айтиш шу йўлда қилинган саъй-ҳаракатдир. Бироқ гоҳида бу қонун талабидан оддийгина эришчилик сабаб бош тортиш ҳоллари юз беради, ҳатто қонуний олоҳида туриб оила қуриш ҳолларининг оқибатлари баъзан хунук тугайди. Бундай пайтда беғуноқ фарзанд келтирилган ҳақидаги гувоҳномасини тиклашнинг ўзи ҳам муаммолни кечадилар. Ёки аввалги оиласидаги никоҳни бекор қилдиришдан туриб яширин ҳолда оила қуриб... Йўқ, бу шунчаки масаласизлик ва тарбиясизликдан бошқа нарса эмас. Таассуфки, бу каби қўриқлаётган оилалардан, албатта, биринчи бўлиб маҳалла аҳли хабар топа-да, аммо уша маҳалладорларининг ўзаро масаласизлиги боис... Қўриб турибсизки, борган сари муаммо катталашиб, хунук тус

олади. Маҳалла аҳли орасида саёқ қиз-жувонлар, муттаҳам хотин-қизлар, тийксиз ва орсиз эркаклар сафи кенгайиб боради.

Айтаандай шу ўринда адиб Шукр Холмиевнинг мана бу сўзини эслаш жоиз: «Эрлари ориятли юртининг осмонидан бурғутлар ҳам нигоҳ ташлашга ҳайкарамай». Ким билсин, ориятли эрларга эскилар бекорга мана бундай насихат қилишмагандир.

«Сен уйланар экансан, 18 ёшли қизга эмас, унинг 18 йиллик ўғлинига уйланишнинг керак. Бу тўй шартларидан берибди. Сен фақат муҳаббатга эмас, рашқа ҳам уйланишнинг керак. Сенга яқин бўлган ҳаммининг, сен мансуб бўлган халқининг ўғлини — бугунги кундан ҳам, эртанги кундан ҳам аникроқ, равшанроқ кўндир. У сен билан ёнма ён юриб, сенга мунтазам шароб узатади ёки улуссиз захарлаб туради».

Илоҳим, ҳаммага бахтли оила қуриш саодати насиб этсин!

Фотима ИНАМОВА, Чортқ туман ФХД бўлими мудираси

Инсон ва қонун

ҲУҚУҚНИ БИЛГАН ҲАҚИНИ ОЛДИРМАС

Давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида, шу жумладан, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларининг қафолати сифатида адолатли суд тизимини шакллантириш бора-сидида ислохотлар изчил амалга оширилмоқда.

Конституцияимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари энг олий қадрият эканлиги эътироф этилди. Судловнинг одиллигини таъминловчи ҳуқуқий майдон — умуминсоний қадриятлар ва умум эътироф этилган ҳуқуқ андозаларига асосланган, шаклан ва моҳиятан янги-янги қонулар яратилди. Уларнинг асосига қонунийлик, демократизм, одиллик, инсонпарварлик, жинсий қилиш учун жавобгарлиқнинг муқаррарлиги тамойиллари қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган суд ҳукми ва қарори ана шу устувор тамойилларга асосланган бўлиши шарт. Ҳукм, энг аввало, жинсий қилимига яраша жазо белгиланишидан, далил билан исботланган қонунга асосланган дағида адолатли қўйсилмаган.

Аввни, бош Қомусимизга мувофиқ ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирашмасининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи қафолланган.

Ҳар қандай мафаздор шахс бузилган, низолашланган ҳуқуқи ёхуд қонун билан қўриқланган манфаатини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли.


Фуқаролик суд ишларини юритиш ва-зифалари фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликларини ва манфаатларини, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар жамоат бирашмаси билан ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғйи, ўз вақтида қўриб қиқши ва ҳал этишдан иборатдир.

Фуқаролик суд ишларини юритиш қонунийлик ва ҳуқуқ тартибдорлиги мастаҳамлашга, демократияни, ижтимоий адолатни, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий то-тувликни таъминлашга қўмақлашиши лозим. Фуқаролик ишлари бўйича одил судлов фақат суд томонидан ҳамда барча фуқароларнинг жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб қиқши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, шунингдек бошқа ҳолатлардан қатъи назар, қонун ва суд олдидан тенглиги асосида амалга оширилади.

Фуқаро ўзининг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар устидан бевосита судга ёки бўйсунувчи тартибда юқори органга, мансабдор шахсга мурожаат қилишга ҳақли.

Бўйсунув тартибидида юқори орган ва мансабдор шахслар шикоятни бир ой мўддат ичиди қўриб қиқши шарт. Агар фуқаронинг шикоятига рад жавоби берилса ёки у шикоят берган кундан эътиборан бир ой ичиди жавоб олмаса, шикоят билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Шикоят фуқароларнинг хоҳишига кўра ўзи яшаб турган жойдаги судга ёки дав-



лат органи ва бошқа орган ёхуд мансабдор шахсининг иш жойи жойлашган ҳудудда судга берилади.

Фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга оширишда судьялар мустақил қилдилар ва улар фақат қонунга бўйсундилар. Судьялар ишларни қонун асосида, ишининг ҳолатига мувофиқ, судьяларга четдан таъсир кўрсатиш мумкин бўлмайдиган шароитда ҳал қилдилар.

Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашушга йўл қўйилмайди ва бундай аралашуш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, ҳар бир фуқаро ўзининг бузилган ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоя қилиш учун мурожаат қилиши мумкин, масалан О.Абдуллаева судга мурожаат қилиб, 2003 йилдан 1 август 2004 йилгача ишлаган иш ҳақларини Улўғнор тумани «Андижонбалик» очик турдаги ҳиссасдорлик жамиятидан ундириб бериш ҳақида судга мурожаат қилган. Суд О.Абдуллаеванинг даввосини мазмунан қўриб, унга 257.104 сўм ойлик иш ҳақларини ундириб бериш ҳақида ҳал қилув қарори қиқариб, даввосни тўлиқ равишда қаноатлантирди. Шунингдек, фуқаро О.Қўндузова Бўз туман коммунал ҳўжалик ободонлаштириш бўлимига нисбатан «Ишга тиклаш ва иш ҳақи ундириб бериш ҳақида» давво ариза билан мурожаат қилган. Суд даввогар О.Қўндузовани ўз ва-зифасига ишга қайта тиклаб, иш ҳақи ва мажбурий проғул қунари учун пул ундириш ҳақида ҳал қилув қарори қиқариб, бузилган ҳақ-ҳуқуқини қонун йўли билан ҳал қилди.

Фуқаролик ишлари бўйича давво ариза ва шикоятларни Шаҳрихон, Бўз, Улўғнор туманлари бўйича таҳлил этиладиган бўлсақ, маҳаллий аҳолининг ҳуқуқий онг ва маданияти йил сайин юксалиб бораётганлигини ҳис этиш мумкин.

Зотан, фуқаролар ҳуқуқий онги ва билимининг ошиши уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини қонуний йўл билан ҳимоя қилишни ўрганишга, жамият олдидидаги бурчларини сидқидилдан бажаришларига мустаҳкам замин яратди. Бир сўзи билан айтганда, ҳуқуқини билган ҳақини ҳеч кимга олдирмайди.

Мухаммаджон КАРИМОВ, Фуқаролик ишлари бўйича Бўз туманлараро суддининг судьяси

БАХТЛИ ОИЛА ҚУРИШ САОДАТИ

Никох, оила, эр-хотин, бола-чақа, қариндош-уруғ, маҳалла-қўй. Буларнинг ҳаммаси нечоғли оддий, муқаддас тушунчалардир. Зотан, ҳар жиҳатдан қонғашиб, шариату ҳақиқат амаллари асосида тузилган никоҳ, бахтли оила саодати эшигининг қалитидир. Ахир бахтли оила оила саодати эшигининг қалитидир. Ахир бахтли оила оила саодати эшигининг қалитидир. Ахир бахтли оила оила саодати эшигининг қалитидир.

Ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур ўзининг «Темур тузуклари»да шундай хикоят қилади: «Уғилларим, набираларим ва ақилларимни уйлантирмоқ ташвишда келин изламоқда эътибор бердим. Бу ишни давлат йомушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлимининг насли-насаби, етти пуштини сурштирдим. Соҳ одамлар орқали соғлиқ-саломатлигини, жисмонан қамолотини аниқладим. Келин бўлими насли-насаби, одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча қуруллардан холи бўлганига эл-юртга катта тўй-томоша бериб келин тушуридим».

Темурдек буюк бир зотнинг оила қуриш ташвишига

бўлса, кейинчалик аянчи оқибатларга ўрин қолмайди. Зеро, ровийлар «Ният хайроқибат хайр», дея бекорга айтмаганлар.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексидидаги 14-моддада қўрсатилганидек, бўлаҳак эр хотин ўз розилигининг ифода этиш қобилиятига эга бўлиши кераклиги қўрсатилган. Шунингдек уларни никоҳ тузишга мажбур қилишнинг тақиқланган ҳам қўрсатиб ўтилган. Ана энди бобоқолонимиз Темурнинг юқорида келтирилган хикоятидида «Соҳ одамлар» орқали келин бўлимининг соғлом ва бақувватлигини аниқланганлиги ҳусусида тўхталайлик.

Шах-шубҳа йўқи, соғлом ота-онидан соғлом фарзанднинг мақсади аён, у ўз алоқининг соғлом ва бақувват бўлишини чин дилдан истаган. Ҳўй, бу ҳусусда бизнинг қонуларимизда қандай қайлар бор? Оила қонунининг 17-моддасида шундай дейилади: «Никоҳда

бўлса, кейинчалик аянчи оқибатларга ўрин қолмайди. Зеро, ровийлар «Ният хайроқибат хайр», дея бекорга айтмаганлар.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексидидаги 14-моддада қўрсатилганидек, бўлаҳак эр хотин ўз розилигининг ифода этиш қобилиятига эга бўлиши кераклиги қўрсатилган. Шунингдек уларни никоҳ тузишга мажбур қилишнинг тақиқланган ҳам қўрсатиб ўтилган. Ана энди бобоқолонимиз Темурнинг юқорида келтирилган хикоятидида «Соҳ одамлар» орқали келин бўлимининг соғлом ва бақувватлигини аниқланганлиги ҳусусида тўхталайлик.

Шах-шубҳа йўқи, соғлом ота-онидан соғлом фарзанднинг мақсади аён, у ўз алоқининг соғлом ва бақувват бўлишини чин дилдан истаган. Ҳўй, бу ҳусусда бизнинг қонуларимизда қандай қайлар бор? Оила қонунининг 17-моддасида шундай дейилади: «Никоҳда

Йўл қурганга минг раҳмат

Хушбоқ ака Сурхондарё йўлсозлари орасида алоҳида ҳурмат қозонган инсонлардан. Мана, 23 йилдирки у Музработ туман «Автойўл» жамоасига раҳбарлик қилиб келмоқда. У Тошкент Ирригация институтининг қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультетини битиргач, меҳнат фаолиятини Музработ туманидаги хўнара-техника билим юртида оддий ўқитувчиликдан бошлади. Бир қанча вақтдан сўнг туман йўл қурилиш корхонасига ишга ўтди. Уша кезларда туманда 2 та йўлсозлар жамоаси бор эди. Икки корхона битта бўлгач, уни жамоага раҳбар қилиб сайлашди.



— Раҳбарда саховатпешалик, бағри кенглик чашмадек тошиб туриши керак экан, — дейди жамоанинг бош ҳисобчиси Чорибой Холмунинов. — Корхонамизнинг эришган ютуқлари у кишининг табиркорлигию, ишбилармонлиги туфайли бўлмоқда. Ўзгаларнинг тақдирини ўйлаш, кишида жа-

қилади. «Автойўл»чилар бу йил режа асосида 180 миллион сўмлик йўл қурилиш ҳамда таъмирлаш ишларини бажаришларини режалаштиришган.

Албатта, ишчи-хизматчиларнинг яшаш тарзи жамоанинг олиб келаётган соф фойдасига боғлиқ. Шу кунларда ишчиларнинг ўртача иш ҳақлари 50-60 минг сўмдан тўғри келмоқда. Меҳнат таътилига чиққан ҳар бир ишчи бир ойлик иш ҳақи миқдорида моддий рағбатлантирилмоқда. Бундан ташқари, шу жамоада ишлаган нафақадаги собиқ ишчилар байрамларда қаққилиб, дастурхон ёзилди.

Хушбоқ ака билан қискагина суҳбатимиз чоғида: «Хизматимиз элга манзур бўлиб, йўл қурганга минг раҳмат десалар бизга шунинг ўзи кифоя» — дейди соддалик билан.

Тўлкин ТЕМИРОВ, Турсун МАХМАДАЛИЕВ, «Адолат» мухбири



Шахрихон тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси Олимжон Солиев (суратда) «Найнаво» ширкат хўжалиги аъзолари ҳузурида пахтани нест-нобуд қилмай, ўз вақтида йиғиб-териб олиш ҳусусида суҳбатлашмоқда.

КУЛГИ БЕКАТИ

Ширакайф дам олувчи ресторандан чиқиб, эшик олдида турган серхашам кийимдаги одамга мурожаат қилди:

— Тезроқ такси чақиринг.

— Менга қаранг, мен швейцар эмас, кема капитаниман.

— Ундай бўлса, кема қаққира қолинг!

Жанубга йўлланмасиз дам олгани келган одам ўй эгаси билан келишяпти:

— Хона учун ижара ҳақини жиндай камайтирмайсизми?

— Йў-е, нима деясиз! Деразадан кўриниб турган денгиз манзарасини қаранг. Камайтиришнинг илоҳи йўқ.

— Борди-ю, мен бир марта ҳам деразадан қарамайдан деб ваъда берсам-чи?

— Кисловодск қалай, сизга ёқадими?

— Ҳаммаси жуда соз бўлди, айниқса, биз ижарага олган хона зўр экан...

— Шаҳар-чи? Тоғлар, булоқлар-чи?

— Биласизми, биз деразлик уйдан чиқганимиз йўқ. Ижарага олган хонамиз шу қадар қimmat эдики, ундан бутун сутка давомида фойдаланмаслик тентаклик бўларди.

Курортга келган йигит ва жувона меҳмонхона ходими турадиган хоналарини кўрсатар экан, илтифот билан сўрайди:

— Яна бирон нарсаси керак эмасми?

— Йўқ, раҳмат! — деб жавоб берди йигит.

— Рафиқангиз учун-чи?

— Яхши эсимга солдингиз. Менга конверт билан марка беринг.

— Азизим, кел, машина олайлик, — деб ялинди хотини эрига. — Дунёни кўрардик...

— Қайси бирини? Бу дунёни, наригисини-ми?

Автобуса. Эрак киши хуно бўляпти.

— Ешлар расво бўлиб кетди-да...

Иккинчиси эрак сўрайди:

— Нега хуно бўлаясан? Утирибсан-ку ўриндиқда...

— Мен-ку ўтирибман. Лексин хотиним бир соатдан бери оёқ устида турипти...

Хотини эрига шикоят қилляпти:

— Биласанми, навбатда турганимда мени «Фохиса» дейишди.

— Нега марта айтдим, сени танишадиган жойга борм!

— Эрталаб соқолим олиб бўлиб, ўзимни ўн ёшга яшаган ҳис қиламан, — деб маънабиди эри хотинига ваннахонадан чиқаётди.

— Уйқудан олдин соқол олиб турсанг бўлмайди-ми? — деб сўрапти хотини.

Меҳмонхона ходими дейди:

— Бу аёл хотинингиз эканини исбот қилиб берган тақдирингиздагина мен иккаловларингизни бир хонага қўйиш мумкин...

Эрак жавоб беради:

— О, жаноб агарда сиз бу аёлнинг меннинг хотиним эмаслигини исбот қилиб берсангиз, мен бир умр сиздан миннатдор бўлардим.

Бир аёл газета ўқиб ўтириб, газабга келипти:

— Бунда ёзишларича, Шарқда хотинларни отга алмаштириш мумкин экан. Сен ҳеч қачон бундай қилмайсан-а, азизим?

— Албатта, жонгинам, — деб жавоб берипти эр.

— Жуда зарур бўлса, автомобильга алмаштираман.

Ўтган ойда жаҳон Олимпиадасида муваффақиятли иштирок этган мамлакатимиз спортчилари Президент қабулида бўлдилар. Уларнинг орасида энг ёши андижонлик боксчи Баҳодир Султонов эди.

Баҳодир 1985 йили 15 январда туғилган. У ўсмирлар ўртасида икки карра жаҳон чемпиони бўлгандаёқ истиқболли порлоқ эканлиги яққол кўринган. Аммо ўсмирликда ҳаммадан зўр бўлиб, кейинчалик катта спортда кўринмай кетган боксчилар ҳам бўлган. Шукри, Баҳодир ўз мактебини йўқотмади, катталар рингиде ҳам мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда. У Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устаси унвонига сазовор бўлди.

У марказий Осиё ўйинлари, Африка-Осиё ўйинлари ва нихоят Осиё чемпионати қолиби бўлди. Ўтган йили Тайландда бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионатида учинчи ўрин билан қийоғланди.

Баҳодир «Афина-2004» жаҳон Олимпиадасида ҳам энг ёш боксчилардан бири бўлди. У финландиялик Эндрю Куперни мағлубиятга учратиб 53 кг. вазнидаги «чарм қўлқоп» усталари орасида ярим финалга чиқканда ҳеч ким бунинг тасодифи деб айтмади. Чунки Баҳодир ёш бўлишига қарамай ўзининг маҳорати билан жаҳонга танилиб улгурган. Аммо унинг финалда кубалик Ортиа Ригондага бас келиши амри маҳол эди.

Ортиа «Сидней 2000» Олимпиадаси чемпиони, 2 бора жаҳон чемпиони қолиби эди. Шунга қарамай Баҳодир фақат галаба қозониш учун рингга чиқди. Бор маҳоратини ишга

Қўрқув билмас Баҳодир

солсада очколар бўйича мағлуб бўлди.

— Кубаликлар ўзларининг тактик усулларини ўзгартириб 1976 йилги жаҳон Олимпиадасида эришган катта ютуғини қайтардилар, — дейди Баҳодирнинг устози, қуни-кеча Юртбошимиз фармонида кўра Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган мураббий унвонига сазовор бўлган Алишер Абдуллаев. — Улар 5 та олтин медални кўлга киритдилар. Ўзбекистон боксчилари 2 та бронза медални насб этди. Ҳар икки медал соҳиб-и андижонлик эканлиги биз учун ғоят қувончли. Жаҳон чемпиони ўтқирбек Хайдаров, Баҳодир Султоновларнинг муваффақияти ўзбек бокс мактабининг яна бир бор оламга тараннум этди.

Ҳар қандай боксчи жанг олдиндан ҳаяжонланади, ўзини босиб олиши қийин кечади. Баҳодир чинакам кўрқув билмас спортчи. Рақибига қарши рингга чиқаётганда ўзини йўқотмайди. У ҳаётда оғир-босиқ, аммо рингга шиддаткор.

— Маълумки, янги, бироз юқори вазн тоифасига ўтмоқдасиз. 57 килограмм вазн тоифасининг нафақат чет элларда, балки республикамизда ҳам ўз «хўжайинлари» бор. Бу сиз учун кейинчалик муаммо туғдирмайми?

— 12 декабрь куни Андижон шаҳрида бокс бўйича республика чемпионати старт олади. Унда мен 57 килограмм вазни боксчилар орасида ҳам кучли эканлигини исботлашим керак бўлади. Бу вазнда асосий рақибим машҳур спортчилардан бири Бекзод Хидиров бўлади. Кўриб турганингиздек вазиға енгил эмас. Аммо бажарса бўлади.

— Бўш вақтларингизни қандай ўтказасиз?

— Кинофильмлар кўришни ёқтираман. Айниқса тарихий киноларни. Инглиз тилини ўрганмоқчиман. У менга кўп керак бўлишини англаб етдим.

— Сизни яқиндан, қўллаб-қувватлаб турадиган мухлисларингиз...

— Аввало отам, қолаверса онам, акам, сингилларим. Дўстларим, айниқса, Жўрабек Мелибоев. У ҳам Ўзбекистон чемпионатида вилотимиз шарафини ҳимоя қилади. Бугун Ўзбекистонликлар мени қўллаб-қувватлаётганини доим ҳис этиб тураман.

Янаги йил Хитойда бокс бўйича жаҳон чемпионати бўлади. Унда голиб чиқиш учун бутун куч-ғайратини ишга соламан, мухлисларимни ишончини оқлайман деган умиддаман.

Тўлкин СИДДИҚ, «Адолат» мухбири

Қилмиш-қидирмиш ўйинидан ўт чиққан

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги «Висол» кўчасида яшовчи Мурод Маназаровни маҳалласидоғлар яхши танийдик. Кўччилик унинг исмини эшитишчи биланок «Муродни гапирма. Иш-қалчику», дейишди. У қарга борса бирон «ўйин» қўрсатишга одатланган. Шу сабаб маҳалладошлари уни қўрса ўзини четга оладиган бўлишга. «Қаҳрамонимиз» уйланиб ҳам босилмади. На оиласини, на кекса онасини уйлди. 1999 йил Сирғали туман судининг ҳукми билан 3 йил озодликдан маҳрум қилинган, ушбу суднинг ажримига кўра Президентимизнинг Амнистия тўғрисидаги фармониға асосан жазодан озод қилинди. Лексин Мурод бу ишлардан ўзи учун ҳулоса чиқармади. У яқинда яна Бектемир туман судининг ҳукми билан 10 йил озодликдан маҳрум қилинди. Ҳақиқат тўғрисида табиий. Унга бу «Жазо»ни суд қайси «хизмат»лари учун берди?

... Мурод кейинги пайтларда «Қўйлик» бозорида деҳқонлардан мева-чева олиб, устига ўзининг ҳақини қўйиб сотадиган одат чиқарди. Баъзи маҳалладошлари «Мурод ҳам оиласини ўйлайдиган бўлибди», дея хурсанд бўлишди. Тирикчилиги ёмон эмасди. Тонгда мева-чевани арзонига олиб кечгача «Қўйлик» бозорида қимматига сотган чўнтаги 4-5 ойда чўнтаги қаппайиб қолди. Юриш туришларида ўзгариш пайдо бўлди. Кечқурунлари фойдадан қиттак-қиттак уриб кўнглининг чигалини ёзидиган бўлди. Ичиб олган ёнда савдо қиладиган бозорчи ҳаммасида унинг кўзига душмандек кўринадиган бўлиб қолди. Гўё унинг хаёлида харидорлар ундан эмас ёндагиларнинг мева-чевасини сотиб оларди.

Уйидан ўт чиқаришга ўрганган Мурод бозорда ёнма-ён савдо қиладиган таниши Хайрулла Усмоновнинг жинига тегмоқчи бўлиб, унга гап отди. «Пулнинг қўлайи қолдими? Мени менсиман қўйдинг», — деди. Муроднинг қайфи борлигини билсада Хайрулла ҳам бўш келмади. «Нима демокисан? Мен билан неча пуллик ишинг бор? — дея унга яқинлашди. Бу воқеа Хайруллаға ёқмади. Шу дамба қўтилганда Мурод ёндагилар пичоқчи олиб Хайрулланинг қорнига тикиб олди. Бу воқеа шунчалик тез содир бўлдики, бозордагилар ҳам бунинг илғамли қилишди. Қилғилқини қилган Мурод Хайруллаға ёрдам бериш ўрнига бозор оралаб ўйи томон қочди. Қўтилмаган пичоқ зарбидан Хайрулла «Ёрдам беринглар!» дея юз тубан ерга йиқилди.

Бозордагилар зудлик билан Хайруллани касалхонага олиб борди. Врачларнинг меҳнатлари зое кетмади, ҳаёти сақлаб қолинди.

Яқинда Жиноят ишлари бўйича Бектемир туман суди Муроднинг ишчини кўриб чиқди. Судда жаҳланувчи Хайрулла Усмонов Мурод Маназаровнинг 2 нафар воғга етмаган фарзанди ва қари онаси борлигини инъобат билан ҳазо тайинлашда суддан унга енгиллик беришини сўради. Бироқ суд ҳақиқий ҳолатни ўрганиб чиқиб, қонуний ҳукмини ўқиди.

Маҳаллада яна гап тарқалди. «Висол» кўчасидаги Мурод яна қамалди. Оиласига ва кекса онасига қийин бўлибди-да», дейишди. Начора, қилмиш-қидирмиш деб шунинг айтсалар керак.

Равшан ЖАКБАРОВ, Тошкент шаҳар Бектемир тумани прокурори ёрдамчиси

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Рустам АҲМАДАЛИЕВ
ТАҲРИР ҚОЛҲАТИ:
Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҲУЛОМАХМУДОВ, Анвар ЖўРАБОВ, Равшан ХАЙДАРОВ, Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Каримжон РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Бобокул ТОШЕВ, Рустам АЗИМОВ, Турғун ЭРҒАШЕВ, Уткир ЖўРАЕВ, Мухаммад РАҲМОН, Низомиддин НУРМАТОВ, Зоҳир ТўРАКУЛОВ

телефонлар:
Қабулхона-136-53-14.
Факс: (8-371) 133-41-89.
Сўбат ва партия қайғи-136-55-96.
Хатлар бўлими — 136-55-64.
Матбуот, адрёиёт ва санъат-136-55-64

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан 016 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма Ғ— 1100, Адади 1744
Ҳажми—2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт — матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилади.
Қорхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41.
Наабатчи — Сафар ОЛЛОЕВ
Газета IBM компьютерида терилди.
Босингга тошириш вақти—20,00
Босингга тоширилди —22,40